

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 541.08.02: 665.37

ИБРАГИМОВ АКМАЛ АКРАМОВИЧ

**ИШЛАТИЛГАН АДСОРБЕНТЛАР ТАРКИБИДАН МИНЕРАЛ
МОЙЛАРНИ АЖРАТИБ ОЛИШ ЖАРАЁНИНИ ТАДҚИҚ ҚИЛИШ**

5А 320401 “Ноорганик моддалар кимёвий технологияси”

Магистр

**академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
т.ф.н. Усмонов Б.С.**

.

ФАРҒОНА – 2013

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	4
I-боб МИНЕРАЛ МОЙЛАРНИ АЖРАТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИ-ГАН АДСОРБЕНТЛАРНИ ТАХЛИЛИ.	7
1. Нефт компонентларини ажратиш олишда адсорбция ва десорбциялаш жараёнларининг тахлили	8
2. Минерал мойларни тозалашда қўлланадиган адсорбентлар турлари ва хоссалари	13
3. Ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни регенерациялаш усуллари	15
4. Тадқиқот ишларини мақсад ва вазифалари	16
II-боб ТАЖРИБА ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ, ХОМ АШЁ ВА ОЛИНАЁТГАН МАХСУЛОТЛАР ТАХЛИЛИ	18
1. Ишлатилган адсорбентлар тахлили ва ундан ажратиш олинадиган минерал мойларни ажратиш олиш жараёни тахлили	18
1.1. Гилмояли адсорбентнинг фракцияси таркиби ва тахлили	18
1.2. Адсорбентларнинг турли механик аралашмалардан тозалаш қобиляти...	18
1.3. Ишлатилган адсорбентларнинг хажмий оғирлигини аниқлаш	19
1.4. Нефть махсулотлари таркибидаги сув миқдорини аниқлаш	20
1.5. Нефть махсулотлари зичлигини аниқлаш усуллари	22
1.6. Углеводородлар гуруҳий таркиби	24
2. Ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни ажратиш учун лаборатория қурилмасининг баёни	25
II боб бўйича хулосалар	27
III-боб ИШЛАТИЛГАН АДСОРБЕНТЛАРДАН МИНЕРАЛ МОЙЛАРНИ АЖРАТИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ БОРАСИДА ОЛИБ БОРИЛГАН ТАДҚИҚОТ ИШЛАРИ	28
1. Ишлатилган адсорбентнинг таркиби устида олиб борилган ишлар	28

2. Ишлатилган адсорбентдан минерал мойларни ажратиб олиш янги усулини ишлаб чиқиш	35
III боб бўйича хулосалар	37

IV-боб ИШЛАТИЛГАН АДСОРБЕНТЛАРДАН МИНЕРАЛ МОЙЛАРНИНИ АЖРАТИБ ОЛИШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

1. Ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни юқори даражада ажратиб олишда эритувчи таъсир эттириш орқали марказдан қочма куч асосида ишлайдиган қурилмани жорий этиш	38
2. Ишлатилган адсорбентлардан ажратилган минерал мойларнидан фойдаланиш ва утилизация қилиш	40
IV Боб бўйича хулоса	43
ХУЛОСА.....	45
ИЛОВА	46
ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	46

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда бугунги кунда техник жараёнларни стандарт талаблари асосида технологик жараёнларда қўлланилмоқда. Нефт таркибидан керакли компонентларни ажратиб олишни такомиллашган усуллари жорий этиш орқали минерал мойлар кўрсаткичлари ва сифатини кўтариш учун турли импорт адсорбентлардан ва юртимиздаги адсорбентлардан фойдаланиб келинмоқда, уларни қайтарилиш жараёнлари ёрдамида қайтадан ишлатиш имконияти яратилмоқда.

Ҳозирги кунда нефтни қайта ишлаш корхонасида қўлланилган адсорбентлар регенерация жараёнидан сўнг, уларнинг таркибида қолган яъни, ажратиб олинмаган минерал мойларни 30-35% ни ташкил этиши ва уни такомиллашган усуллари технологияга жорий этиш орқали ажратиб олиниши дозарб масалалардан хисобланади. Нефтни қайта ишлаш заводларида ишлаб турган адсорбентлар регенерация қилиш тизимлари самараси паст бўлиб, экологиянинг замонавий талабларига жавоб бермайди. Бунга мисол Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида шундай ишлатилган гилмояли адсорбентлар ташламалари мавжуд бўлиб, уларни миқдори кундан-кунга ортиб бориши ташландиқ адсорбентлар таркибидаги минерал мойларни йўқотилишига сабаб бўлиб, уларни ажратиб олиш, нефтни қайта ишлаш корхоналарининг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшиланишига ва худуд экологик мухитини яхшилашга олиб келади. Бундан ташқари маълум даражада қийматли қайтмас йўқотишларини қисқарилишига олиб келади ва фойдаланиш мумкинлиги каби бошқа муҳим омилларни ўз ичга олади.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари. Нефт компонентлари аралашмаларидан адсорбентлар ёрдами ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни марказдан қочма куч ёрдами билан ишлайдиган қурилмаларни жорий этиш билан юқори даражада ажратиш технологик жараёнини тадбиқ этиши минерал мойларни ажратиб олишда қўлланалган адсорбентларни регенерациялашдан кейинги ҳолатга қолган яъни, етук ҳолатга ёки замонавий сўнги илмий натижалар асосидаги ҳолатга келтиришдан иборат.

Кўрсатилган мақсадга эришиш учун қуйидаги ечим ва вазифалар қўйилган:

- Маълум яъни қўлланилаётган адсорбентларни таркиби ва хоссаларини ўрганиш ҳамда, ишлатилган адсорбентларни таркиби ва хоссаларни таҳлил қилиш.
- Гилмояли ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни ажратишда қўлланилаётган гидромеханик жараён эффективлигини оширишда арзон эритувчиларни танлаш.
- Ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни ажратиш технологиясини оптималлаш ва такомиллаштириш.
- Ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни ажратиш бўйича тавсия этилаётган ушбу технологик усулни лаборатория тажрибасида синаш.
- Ишлатилган адсорбентлар таркибидан минерал мойларни ажратишда марказдан қочма куч билан бирга эритувчи қўллаш орқали жорий этилаётган технологик усулни тадбиқ этишдан кутилган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Илмий янгилиги: Ишлатилган адсорбентлар таркиби ва асосий хоссалари аниқланган ҳамда минерал мойларни ажратишда марказдан қочма куч асосида ишлайдиган қурилмалардан фойдаланиш қоидалари аниқланган.

Лаборатория тажрибасида ишлатилган гилмояли адсорбентлардан минерал мойларни ажратишда уни эритувчи орқали суюлтириб унга марказдан қочма куч асосида ишлайдиган қурилма қўлланилган. Олинган натижалардан кўриниб турибдики, таклиф этилган ушбу технологик усул ижобий натижалар берди. Минерал мойларни ажратиш олиш технологиясини оптимал технологик режими ва тегишли математик модели ишлаб чиқилди.

Амалий аҳамияти.

Ишлатилган адсорбентлар таркибидаги минерал мойларни марказдан қочма куч асосида ишлайдиган қурилмалар ва эритувчини жорий этиш орқали ажратиш олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уни тадбиқ этиш натижасида кутилаётган иқтисодий самарага эришиш.

Натижалар чоп этилганлиги. Диссертация материаллари бўйича 4 та маърузалар тезисидан иборат.

Магистрлик диссертация иши хажми. Диссертация кириш, 4та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва 65 атама ва ушбу ишни тадбиқ этилиш даражасини ёритадиган хужжатлардан ташкил топган иловадан иборат. Диссертация 54 бет компьютер текстида ёзилган бўлиб 4 та расмлар ва 7 та жадваллар мавжуд.

I боб МИНЕРАЛ МОЙЛАРНИ АЖРАТИШДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН АДСОРБЕНТЛАРНИ ТАХЛИЛИ.

Нефтни қайта ишлаш саноати Ўзбекистон Республикасининг асосий энергия манбаларидан бири ҳисобланади ва унинг замонавий илмий асосланган параметрлар асосидаги жараёнларни тадбиқ этиш иқтисодиётнинг юқори самарадорлигига эришишлиги аниқланади.

Жахон молиявий – иқтисодий инқироzi шароитида саноат ишлаб чиқариш корхоналарининг юқори даражада ишлаши ва равнақи томон юксалаётганлик йўлларининг барқарорлиги Ўзбекистон Республикаси президенти И.А.Каримовнинг [1] китобида кўрсатилган бўлиб, унда маҳаллий хом ашё ресурслари ва ишлаб чиқариш чиқиндиларидан оқилона фойдаланишнинг замонавий йўналишларини ёрқин ёритиб берганлар.

Бугунги кунда мамлакатмизнинг нефтни қайта ишлаш заводларида турли адсорбентлардан фойдаланилмоқда, уларнинг замонавий регенерациялаш энг зарур технологик ва экологик масалалардан бири бўлиб ҳисобланади. Қора олтин таркибини ташкил этган компонентларни тўлиқ юқори концентрацияларда ажратиб олиниши, улардан фойдаланиш имкониятларини яратиб беради. Бу эса чиқинди ҳолидаги аралашмаларни чиқишини олдини олади. Ишлатилган адсорбентларни замонавий қайта ишлаш масалалари бўйича мамлакатимиз ва чет эл мамлакатларидаги кўпгина олимлар ва мутахассислар шуғулланганлар [2-5].

Лекин ушбу масалаларнинг барча томондан тўлиқ ечилган деб бўлмайди. Чунки адсорбентларни регенерациялаш бир қатор босқичлари маълум даражада энергия ва материалларни кўп сарф этиш билан олиб борилади. Ишлатилган адсорбентлардан аҳамиятли ва қимматли маҳсулотлар ажратиб олишнинг но анъанавий усулини қўллаш юқорида кўрсатилган сарфларнинг маълум даражада камайтиришга олиб келади. Экологияга бўлган салбий таъсири камаяди ва технологиянинг хавфсизлиги ортади ҳамда нефтни қайта ишлаш корхоналарининг хом ашё ресурсларидан тўла фойдаланиш даражасини ортиради.

Буларни ҳисобга олган ҳолда диссертация ишининг ушбу бобида биз асосан нефтни қайта ишлаш заводларида ишлатилади асосий адсорбентларининг таркиби ва хусусиятлари, уларнинг регенерациялаш усуллари ва йўллари, утилизациялаш ва бошқалар кўриб чиқилди.

Саноатни ривожланишида фан ва техника ютуқларини кенг кўламда қўлланиши ёш мутахассисларга катта талаблар қўяди. Магистрлар ишлаб чиқаришда ўз меҳнат фаолиятини бошлаётганда ҳозир қўлланаётган ишлаб чиқариш технологиясини юқори савиядаги технология деб эмас, аксинча, бу технологияни янада ривожлантириш, такомиллаштириш зарур деб қарашлиги

керак. Бундай қараш мутахассислардан нафақат назарий билимларнигина эмас, балки ишлаб чиқариш жараёнини ижодий таҳлил қилиш, иш тажрибасига эга бўлиш, фан ва техника ютуқлари асосида технологик ускуналар унумдорлигини ошириш, хом ашё ва энергия сарфини камайтириш, бир реакция зонасида икки ёки ундан кўп типли ва термодинамик жихатдан мумкин бўлган реакцияларни бирданига ўтказиш йўли билан ишлаб чиқариш босқичларини камайтиришни талаб қилади. Ёш мутахассис қўлланаётган катализаторларни танлай билиши, уларнинг хусусиятларини модернизация йўли билан яхшилаб олишнинг технологик жараёнини, хом ашёнинг таҳлилини автоматик бошқариш усуллариини ишлаб чиқаришга кенг қўллаш, оралиқ ва ярим маҳсулотларни таркибини таҳлил қилишни ҳам билиши керак.

Шу мақсадда ўқитилаётган маърузанинг сифатига талаб анча ошади, техник ўқув қуролларини ва янги техникани бошқа турлари кенг қўлланилади. Назарий ва семинар машғулотларига тайёрланишни енгиллаштириш учун хар- хил қўлланмалар, услубий кўрсатмалар, маъруза матнлари ва бошқа қўлланмалардан (жадвал, график, схема) фойдаланилади.

Ўтилган материалларни сўраб туриш, назорат ишларини ташкил қилиш, уй вазифаларини доимо текшириб туриш йўли билан ўқув режасини бажарилиши текшириб турилади. Ўқув семестри давомида маъруза машғулотлари бўйича 2 та оралиқ ва битта якуний баҳолаш назорат ишлари ўтказиш режалаштирилган.

Талабаларни илмий- тадқиқот ишларига жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Бир реакция ёки бир технологик жараённи ўрганиш даврида талаба турли қийинчиликларга дуч келади ва уларни бартараф қилиш йўллариини ўрганади. Талаба янгиликни лабораторияда ёки ишлаб чиқариш амалиёти вақтида назарий томондан хал қилишга ўрганади.

Талаба ўз илмий ишлари ҳажмини кўз олдига келтира олади. Бу ҳолат тажриба ўтказилган вақтдан бошлаб, то уни натижаларини қўлланилишигача бўлган даврни ўз ичига олади. Унга тажриба, конструкторлик ишларининг ҳамма қийинчиликлари маълум эмас, шунинг учун ўқиш жараёни давомида илмий тадқиқот ишларининг босқичлари, илмий изланишлар, хар-хил текширишлар, конкрет илмий ишларни бажариш, янги технологик ускуналар ва линиялар, жараёнлар, ҳисоб китоб,

конструкторлик иш ёки тажриба, технологик схема бош намунасини яратиш, технологик регламент тузиш ҳақидаги маълумотлар берилади.

Шуни айтиш керакки, ҳар- бир илмий ишни бажарувчи илмий- тадқиқот ишини тузилган аниқ иш режаси бўйича олиб бориши лозим. Мавзу танланиши ва бажарилиши, ишни илмий ва амалий аҳамияти, патент ва адабиёт ноъмалари бор ёки йўқлиги, муаммони ечилиш йўллари ва текшириш усуллари танланиши асослаб берилади. Иш дастурига илмий текшириш ишлари натижаларини қўллаш, шунингдек, мавзунинг биринчи технологик асосланувчи, ишларни амалиётда қўллашга тайёрлаш дастурини тузиш, иш ва техника хавфсизлиги инструкцияларини ёзиш ҳам киради.

Ҳозирги замонда назарий ва тажриба билан бажариладиган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш ҳар бир аспирантга, илмий ходимга ва магистрга керакдир.

Шунинг учун ушбу фаннинг умумий мақсадлари қуйидагича:

- илмни структураси, тузилиши билан талабани таништириш:
- талабалар илмий тадқиқотининг асосий усуллари, структураси билан таништириш
- тажриба тадқиқотлари натижаларини режалаштириш ва таҳлил қилишни ўрганиш
- илмий тадқиқот натижаларини қандай тарзда расмийлаштирилиши билан таништириш.

Илм – мураккаб ва айна ҳолда умумий социал кўринишдир. Унинг асосий мақсади янги илм олиш ва унинг асосида янги усуллар яратиш, янги масалаларни ечишдир.

Илм – билимлар системаси, бу шахсларнинг онгл савиясидир. Шахслар илм натижасида дунёни кенг миқёсда билишга ҳаракат қилишади.

Илм- мураккаб информацион системадир. У янгиликларни йиғишда, ҳамда уни таҳлил ва қайта ишлаш учун кераклидир.

Илмни икки асосий функцияси мавжуд: билим функцияси ва амалий функцияси. Булар илмни ҳар томонлама кўринишига тўғри келади, яъни илм-изчил информацион система бўлиб шахсларнинг кейинги фаолиятини ўрганиш ва натижаларини амалиётда қўллаш учун зарур бўлади.

Илм- мустақил система сифатида бир-бирига боғланган учта элементлардан иборат:

- билимни тўплаш;
- шахсларнинг фаолияти;
- тегишли корхоналарнинг фаолияти;

Демак, илм бир бутун ижтимоий (социал) системани ўз ичига олувчи доимий ривожланиб турган шахсларнинг фаолиятидир.

Илмий билим системаси қуйидагича тавсифланади:

1. Илм тармоғи бўйича -ижтимоий илм, техникавий илм ва табиий илм;
2. Илмий фанлар бўйича: математика, физика, кимё, физикавий кимё ва х.к.
3. Илмий фаолияти натижалари бўйича: публикациялар, ихтиро, патент, конструкторлик иши, тажриба – технологик иш ва бошқалар.

Илмий иш, илмий фаолият, илмий меҳнат – бу шундай илм фаолиятики, янги илмий билимларни, техника ва технологияни ўрганишга, системага солишга ва қайта ишлашга қаратилган. У янги технологияни яратиш, маҳсулот хусусиятларини яхшилаш, маҳсулотни қайта ишлаш, янги илмий билимни системалаштириш учун йўналтирилади. Илмий ишни натижалари қуйидаги асосий кўрсаткичлар билан ифодаланади:

- оригиналлиги ва янгилиги билан,
- такрорланмаган натижалари билан яккаю ягона бўлиши керак,
- таваккалиги билан, чунки изланиш хар-хил кўринишда бўлиши мумкин, яъни ижобий ва салбий.

Илмий фаолият тавсифланади:

1. Мақсади бўйича: назарий ривожланиш, янги техника воситаларини ишлаб чиқариш ва бошқалар;
2. Илмий иш тури бўйича: фундаментал ва табиий;
3. Илмий ишларнинг диапазони бўйича: илмий проблема (муаммо), илмий мавзу, илмий савол ва бошқалар;
4. Тадқиқотнинг усули бўйича: назарий, тажриба ва аралаш.

Илмий- тадқиқот ишларини режалаштириш ва ривожлантириш тамойиллари. Илмий тадқиқот ишларини режалаштириш олинаётган махсулотни сифатига қараб олиб борилади.

Директив режалар асосида халқ хўжалигини юксалтириш учун ҳар-бир тармоқдаги министрлик ва ЎзР ФАси узоқ йилларга мўлжалланган истиқболли режа тузади. Кейин бу режалар шу соҳадаги илмий текшириш институтларида дифференциалланади. Академик институтларда табиий шароит ва махсулаштирилган ҳаракатлар асосида йиллик режалар тузилади ва бу режаларни бажаришни квартал ва ойлар бўйича муддатларга бўлинади.

Илмий текшириш институтларидаги ҳар бир илмий лаборатория алоҳида иш режасига эга ёки умумий иш режасини маълум қисмини ўз ичига олади. Бунга лабораторияларда қанча катта илмий ходим, кичик илмий ходим, ёрдамчи ходим ишлаши кераклигини кўрсатиш ҳам киради. Лабораториянинг иш режаси унинг мажлисида муҳокама қилинади, институт илмий кенгашида тасдиқланади. Режаларни бажарилишини даврий текшириш, пастдан юқорига қараб олиб борилади. Илмий-тадқиқот ишларининг якуни, яъни ҳисоботи институтнинг илмий ва молиявий фаолиятини қамраб олади. Илмий-тадқиқот ишларини олий ўқув юртларида самарали тарзда бажарилиши катта аҳамиятга эгадир. Бир томондан у профессор- ўқитувчиларнинг илмий савиясини оширади, иккинчи томондан кафедранинг илмий- тадқиқот ишларида қатнашадиган талабаларини профессионал тайёргарлигини юқори даражага кўтаради.

Мустақил Республикамизда барча соҳалар бўйича илмий- тадқиқот ишлари салмоғини янада ошириш, илмий изланишлар натижаларини юқори самарадорликга эришишини таъминлаш, замон талабларига мос равишда ривожлантириш вазифалари амалга оширилмоқда. Илмий- тадқиқот ишларини ривожлантиришнинг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

- Ишлаб чиқариш соҳаларига оид муаммо ва вазифаларни аниқ белгилаб олиш;
- Мазкур муаммоларни ҳал этиш бўйича илмий- тадқиқотлар олиб бориш мавзуларини аниқлаш;
- Тажрибаларнинг самарадорлиги ва унумдорлигини оширишда моделлаштириш;

- Илмий ишлар натижаларини ўз вақтида расмийлаштириш, патент, ихтиро ва лицензиялар мавжудлигини топа билиш, илмий- тадқиқот ишларини замонавий қурилмаларда бажаришга эришиш, электрон ҳисоблаш машиналари ва ахборот технологияларидан унумли фойдаланиш ва бошқалар.

Нефтдан олинadиган турли суюқ ёқилғилар энергиянинг муҳим манбаи бўлиб ҳисобланади. Мутахассисларнинг фикрича 2005 йилгача энергия ишлаб чиқаришда нефтнинг тулган ўрни 30-35% га кўтарилади. Ярим асрдан кейин эса нефт кўмир билан биргаликда ер шарини энергия билан таъминлашнинг 50% ни ташкил этади.

Нефт қадим замонлардан маълум бўлган ёқилғи манбаидир. XVIII асрдан бошлаб ундан керосин, XIX асрда эса бензин ёқилғилари олина бошланган. Уасосий энергия тури бўлиши билан бирга пластмасса сунъий каучук, толалар ва бошқа кимёвий моддалар ишлаб чиқариш учун ишлатилади. Шу боис нефтнинг таркибини ва ундан олинadиган турли углеводородлардан иборат маҳсулотларнинг хоссаларини ўрганиш катта аҳамиятга эга. Нефтни қайта ишлаш шароитларида олинadиган маҳсулотларни асосан уч қисмга — суюқ ёқилғилар, мойлаш моддалари (ёки ёғлар) ва бошқа маҳсулотларга ажратиш мумкин. Бу углеводородлар уз навбатида қаерда ишлатилишига қараб яна бир қанча гуруҳчаларга бўлинади (масалан, битум, кокс, парафинлар ва бошқалар). Ўзининг физикавий ва кимёвий хоссалари бўйича нефтлар таркиби турлича бўлади. Бунда зичлиги, солишпирма оғирлиги, қовушқоқлиги, эриш, қотиш, қайнаш ҳароратлари, ёниш иссиқлиги, таркибидаги углеводородларининг молекуляр массаси ва бошқа хоссаларини билиш катта аҳамиятга эга чунки шу физик-кимёвий кўрсаткичлар юқорида айиб ўтилган уч қисм миқдорини белгилайди. Касб-ҳунар коллежлари талабалари ҳамда шу тармоқда меҳнат қилаётган кенг жамоатчилик эъти- борига ҳавола этилаётган ушбу ўқув қўлланмада ҳозирги кунда нефтни қайта ишлаш жараёнини содда ва равон тарзда баён қилишга ҳаракат қилинган. Китобда замонавий технологиялар асосида нефтни қайта ишлаш қурилмалари ҳамда уларда олинadиган автомобил бензини, дизел ва реактив двигателлар ёқилғиси, кокс, битум ва бошқа маҳсулотлар ҳақда маълумотлар берилган. Бу маҳсулотларни олиш йўллари тавсифи, схемаси ва уларнинг сифатини ошириш таҳлиллари баён қилинган. Жумладан, нефтни бирламчи хайдаш ва нефт маҳсулотлари сифатини оширувчи каталитик

риформинг, гидротозалаш, гидрокрекинг, кокслаш ва бошқа жараёнлар ифода этилган. Ўқув қўлланмада муҳим жараёнларни ўзлаштириш буйича ўз билимларини синашга оид машқ ва мисоллар берилган.

1.1. Нефт компанентларини ажратиш олишда адсорбция ва десорбциялаш жараёнларининг тахлили.

Нефтни қайта ишлаш технологик жараёнларида тозаланаётган суюқликлар таркиби ва жараённинг олиб бориш шароитига қараб турли табиий ва синтетик қаттиқ адсорбентлардан фойдаланилади. Кўп вақтларда ушбу адсорбентлар сорбциялаш ва танлаш хусусиятини ошириш учун турли усулларда фаоллиги оширилади [6,7].

Фаоллаштиришган гилмоялардан, кўмир ва бошқалар ёрдамида хусусиятидан келиб чиқиб ўз юзасида турли моддаларни ютиш қобилиятига эга бўлиб, ушбу хоссасига асосан мураккаб аралашмаларни тозалашда хусусан нефть маҳсулотларини тозалашда ҳам кенг миқёсда қўлланилади. Бунда адсорбент молекулалари ютилувчи модда молекулалари билан кимёвий реакцияга киришмайди, яъни янги кимёвий хусусиятга эга бўлган моддалар ҳосил бўлмайди. М.И.Дублин ва унинг ҳамкасблари [8] маълумотларига кўра ғовакли (поролит) адсорбентлар синфига кирадиган. Гилмояли адсорбентларни физик адсорбциялашда асосий адсорбциялаш ва индукциялаш ролини ўйнайди. Ғовакли (поролит) адсорбентлар таркиби асосан кремний оксидлари ва кристалланган сувлардан иборатлиги маълум, ҳамда бошқа металл оксидлари мавжуд бўлиб, ушбу адсорбентларнинг структура панжараси қуйидаги ион ва комплекслардан иборат: Si^{4+} , Al^{3+} , Mg^{2+} , O^{2-} , OH^- , $(\text{SiO}_4)^{4-}$, $(\text{AlO}_4)^{5-}$ [9].

Адсорбентлар юзасига жойлашадиган ионлар адсорбент массасида бўладиган қарама-қарши ионлар билан кимёвий мувозанатда боғланганлигига қарамай, ички ионлар майдалиги қисман тўлғизадиган куч майдонига эга бўлган электростатик зарядларга эга бўлади. Адсорбент пораларидаги ионларни тўлдирилмаган куч майдонида бўлган поролит адсорбент узуликсиз электр майдони ҳосил қилади ютилаётган модданинг молекулаларининг адсорбцияланишига асосан дисперсия эффектидан устун турадиган, ориентациялаш эффекти таъсирида кетади [10].

Бундан маълумки ютилаётган модданинг дипол моментининг (дипольного момента) ортиши натижасида унинг ютилиш қобилияти ортади. Шу сабабли порали бўлмаган моддаларнинг порали адсорбентларда адсорбциялаш, ушбу адсорбциялаш юза кучи майдони таъсирида индукцияланган дипол ҳосил бўлишига боғлиқ. Бу ҳолатда дисперсли кучларнинг рўли сўзсиз унча катта эмас [11].

Л.Г.Гурвич маълумотиға кўра нефт маҳсулотлари фракциялари ва қолдиқларидан алюиносиликатларда энг юқори ютилиш қобилиятиға смола-асфальт моддалар мавжуддир. Сўнг уларнинг камайиш тартиби бўйича полициклик ароматин, бициклик ароматин, моноциклик ароматин нафт ва парафинли углеводородлардир. Шу билан бир қаторда ушбу адсорбентларда термик ва каталитик жараён маҳсулотлари тўйинмаган углеводородларнинг ютилиши бош углеводородлар ва смолаларға нисбатан юқори, бу эса поралиланиш қаршилиғиға боғлиқдир.

Олтингугурт сақловчи бирикмалар ва полициклин ароматик углеводородларнинг алюиносиликатларға ютилиш қобилияти бир хил бўлганлиғи сабабли, ушбу адсорбентда ажратиш имкони мураккабдир[12].

Ароматик углеводородлар адсорбент юзасидаги ионлар билан комплекс бирикмалар ҳосил қилиши, шунингдек уларнинг танлаб эритиш хусусиятиға эга эритувчилар ёрдамида эриши, электроннейтрал молекулада адсорбент электр майдони таъсирида дипол моменти ҳосил бўлиши ҳисобланади [13].

Ароматик углеводородларнинг ютилиш қобилияти шунингдек ароматик углеводородларнинг аниқ тузилиши эритувчиға боғлиқ [14].

Бундан маълум бўлишича кичик ароматик ядролар нефт халқалари ёки ёнидаги парафин занжири каби кўриниши қанча кам бўлса, уларда индукцияланган дипол моменти шунча осон вижудға келади ёки пайдо бўлади ва бундан углеводородларни порали адсорбентларда углеводородларнинг адсорбцияланиши самараси янада ортади. Бунда ароматик углеводородлар молекуласида халқалар қанча кўп бўлса, алюиносиликатларда шунча мустахкам адсорбцияланади [15].

Бунда парафинли ва нефтенли углеводородлар порали адсорбентларда унча мустахкам бўлмаган ҳолда (бўш) адсорбцияланади [16].

Маълумотларга [17] биноан адсорбциянинг самарадорлигига ажратиладиган модда гуруҳининг кимёвий таркибидан ташқари, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳамда молекалалари ўлчамлари катта таъсир кўрсатади, сўнг адсорбцияланаётган модданинг адсорбент ғоваклари ичига чуқурроқ кириши учун имкониятлар туғдиради.

Шу сабабли кўпинча адсорбентлар хоссаларини характерлайдиган асосий кўрсаткич адсорбентларнинг масса бирлигига максимал ютилган модда миқдори билан аниқланади. Адсорбциялаш фаоллиги, унинг ғоваклилиги асосий характерларидан хисобланади. Бундан маълум бўлишича статик фаоллик ва динамик адсорбциялаш фаоллигига бўлинади [18].

Бунда мувозанатли статик фаолликни адсорбент маълум ҳараратда, босим ва адсорбцияланаётган модда миқдори масса бирлигига максимал ютилган модда миқдори билан, динамик фаоллик эса адсорбция тезлиги билан аниқланади [19].

Бундан кўриниб турибдики, нефть маҳсулотларини тозалаш, адсорбентни танлаш асосий кўрсаткичлардан бири бўлиб, адсорбентлар ғоваклиги хисобланади.

Амалда адсорбент доналари ғоваклилиги (ϵ) қуйидаги формула билан аниқланади.

$$\epsilon = 1 - S_k / S_u \quad (1.1)$$

бу ерда: S_k – фаразий зичлик бўлиб, адсорбент доналари массасининг унинг адсорбент таркибига ва ғовакликлар ҳажмига кирадиган модда ҳажмидан ташкил топган ҳажмига нисбати билан аниқланади.

S_u – адсорбентнинг ҳақиқий зичлиги, яъни адсорбентнинг ташкил этувчи модданинг ҳажм бирлиги массаси билан ифодаланади.

Адсорбент қаватининг мустаҳкамлиги доналар билан банд бўлмаган ҳажм хиссаси бўйича қуйидаги формула бўйича аниқланади [20].

$$E_{\text{сн}} = 1 - S_n / S_u \quad (1.2)$$

Бу ерда: S_n – адсорбент қавати массасини характерлайдиган солиштирма зичлиги. (гравиметрик)

Ушбу хар иккала кўрсаткич адсорбция жараёнинг самарадорлигини ва техник - иқтисодий кўрсаткичларини аниқлайди. Масалан нефть махсулотларининг ҳосил бўладиган гидравлик қаршилик адсорбент қаватининг мустаҳкамлигига боғлиқ, унинг ютиш фаоллиги эса ғоваклигига боғлиқ. Ғоваклик қанча кўп бўлса адсорбент бўлакларининг солиштиртма юзаси шунча кўп бўлади ва ютилган модда миқдори билан аниқланадиган адсорбциялаш фаоллиги хар қандай шароитда ҳам шунча юқори бўлади.

Маълумот [20]га асосан ғовак адсорбентлар учун солиштирма юза 800-1000 м²/г атрофида бўлади, ғовак бўлмаган майда кристаллар учун 1-500 м²/г бўлади.

Амалда элақда тўлиб қоладиган маълум дона ўлчамлари яъни, фракция таркиби билан характерланадиган адсорбентнинг гранулометриқ таркиби ахамияти, ҳамда динамик ва статик юкламада адсорбент барқарорлиги белгиланади [21]. Адсорбентнинг статик активлиги харорат ортиши билан камаяди, босим ортиши билан ва маълум концентрация ортиши билан кўпаяди, чунки диффузия тезлиги қовушқоқликка боғлиқ ва бошқалар... адсорбент ғоваклариға бўлинадиган махсулот диффузияси тезлигидан ташқари, адсорбция жараёни тезлигини аниқлашда, адсорбент юзасида икки ўлчамли адсорбциялашаётган қавати ҳамда адсорбент ва адсорбцияланаётган модда поралилиги, таркиби ва физик – кимёвий таркибига боғлиқ.

Бу ҳолатда адсорбция тезлиги вақт бирлиги ичида масса бирлигига ёки адсорбент юзасига адсорбцияланаётган молекулалар сони билан аниқланади [22].

Бугунги кунда нефть махсулотларини тозалаш ва ажратишда, уларнинг адсорбцияланаётган компонентлари иқтисодиётнинг турли соҳаларида ишлатиш нуқтаи назаридан бир хил ахамиятга эга. Шу сабабли адсорбентда адсорбцияланаётган компонентлар ишлатилган адсорбентлардан турли усулларда ажратиб олиниши зарур. Адсорбция жараёнидан фарқли равишда бу жараён эндотермик жараён ҳисобланади [23].

Адсорбция жараёни экзотермик жараёнлиги маълум, адсорбент ғовакларидан ажратилаётган моддани киришини таъминловчи чегарадан хароратни ортиб кетиши натижасида адсорбция жараёни самараси пасаяди, адсорбцияланган модда компонент чиқиб кетишигача олиб келади. Бунда ушбу компонентлар адсорбент

юзасидан юқориқадар адсорбцияланиш хусусиятига эга бўлса эритувчилар ёрдамида сиқиб чиқарилади [24].

Десорбция жараёни ҳарорати кўтарилишида адсорбцияланиши паст бўлган эритувчидан фойдаланиш мумкин, жумладан, ажратилган маҳсулотни эритиш учун. Лекин десорбция жараёни чуқурлиги ушбу эритувчилар билан албатта кам. Баъзида ишлатилган адсорбентдан нефт маҳсулотларини десорбциялаш сув буғи ёрдамида олиб борилади [25]. Десорбция жараёни ҳарорати кўтарилганда тезлиги камайтирилиши, адсорбцияланган молекулалар ҳаракат тезлиги ошиши адсорбент молекулалари билан адсорбцияланган модда молекулалари орасида боғланишни узулишига олиб келадиган ҳолат тушунилади.

Десорбция жараёни адсорбентни тозалашдан сўнг регенерациялаш ёки адсорбцияланган компонентни ундан ажратгандан сўнг бажарилади.

Лекин юқорида кўрсатилган десорбция усуллари адсорбентни тозалашдан ёки юқори ҳароратда қайнайдиган нефт компонентларини ажратишдан сўнг регенерациялаш вақтида мумкин эмас, чунки бунда адсорбент юзасида смоласимон моддалар, юқори адсорбцияланиш хусусиятига эга бўлган полициклик ароматик углеводородлар қолади. Шу сабабли уларни адсорбентлар юзасида ёқиш йўли билан олиб ташланади [26].

Нефть маҳсулотларининг сифати қўйилган талабларга жавоб бермаган вақтда адсорбентлар ишлатилган деб ҳисобланади. Амалда 500-650⁰С ҳарорат печда куйдириш йўли билан алоҳида қурилмада регенерацияланади [27].

Минерал мойларни (ёки парафинларни) стационар адсорбент қавати орқали тозалаб тугаллаш қурилмаси технологик тизими келтирилган. Бир колоннада мойлар (ёки парафин) адсорбцион тозаланади, бошқасида адсорбентни регенерация қилинади. Ушбу тизимлар етарли самарали эмас, чунки адсорбентни регенерациялаш учун 300 соатдан ортиқ вақт сарфланади. Бундан ташқари ишлатилган адсорбентларни юқори ҳароратда регенерациялашда экологик хавфсизлик имконлари кўзда тутилмаган [28]. Нефть маҳсулотларини перколяция усулида адсорбцион тозалаш бахтга қарши узулуксиз усулда олиб борилади, кўп миқдорда қимматли маҳсулотлар қайтмас ҳолатда йўқолади.

Бундан маълумки десорбция жараёни яъни адсорбентларни регенерациялашни такомиллаштириш нефтни қайта ишлаш корхоналарининг техник иқтисодий кўрсаткичларини оширишга олиб келади.

1.2. Минерал мойларни тозалашда қўлланиладиган адсорбентлар турлари ва хоссалари.

Бугунги кунда нефт хом ашёларини тозалаш ва турли компонентларга ажратишда табиий ва фаоллаштирилган адсорбентлардан фойдаланилади. Биринчисига юқори адсорбцияланиш фаоллиги эга бўлган ва катионлар алмашиш қобилиятига эга [29-31] полиминерал гилмоялар (бетонит, палигоренит ва бошқалар) киради.

Бетонит гилмояларнинг асосий минерали бўлиб, кўп миқдорда сув тутган монтмориллюнит-силикат эканлиги маълум. Баъзи Россия давлатидаги нефтни қайта ишлаш корхоналарида табиий кремнезелик породалар (диатомит, трепелло, опоки и т.п.) таркибида 7-10% ишқор ва ишқорий металл бўлган гилмоядан фойдаланилади [32].

Сўзсиз ушбу гилмояларнинг адсорбциялашда танлайдиган фаоллиги турлича. Масалан: гумбрин биринчи термик ишлов берилгандан сўнг унга юқори бўлмаган хароратда ортикча сувни чиқариб юбориш жараёнида адсорбент сифатида фойдаланилади. Бошқа гилмоялар кислоталар билан (сульфат ёки хлорид) ишлов бериш йўли билан фаоллаштирилади.

Маълумот [33] дан маълум сульфат кислота билан ишлов берилган асканит юқори ютиш қобилиятига эга, бу ютиш ғовақларини хажмини, адсорбция фаол марказини кенгайтириш билан тушунтирилади.

Аксинча терпеллар ва опокларни кимёвий активлаб бўлмайди, уларни 600⁰С хароратда термик ишлов бериш йўли билан фаоллаштирилади [34]. Табиий циолитлар (шабазит, модернит ва бошқалар) нефт маҳсулотларини тозалашда ўрганилган бўлса ҳам, амалда қўллаш имконияти топилмаган [35]. Нефтни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиладиган адсорбентлар тахлилида маълум бўлдики, уларда кўпинча маҳаллий ишлаб чиқариш активланган гилмояларидан фойдаланилган. Масалан Россия [36-38] Зикеев ва Савинек гилмоялари ҳамда Гумбриндан олинган майда дисперсли адсорбентлардан кенг фойдаланилади.

Қозоғистонда 20% сульфат кислота билан активланган Кеме бетонитдан фойдаланилади [39]. Грузияда асканитдан [40], Арманистонда эса иджеван гилмоясидан [41] фойдаланилади. Ўзбекистон ҳудудида 100 дан ортиқ нефть маҳсулотларини тозалаш учун адсорбент олиш, ушбу гилмояларни ҳосил қилиш имкониятлари бор ва маълум бўлган ҳудудлари мавжуд [42]. Бахтга қарши улардан баъзиларигина нефть маҳсулотларини тозалашда фойдаланишга яроқли деб топилган. Масалан навбахор карбонатли полигорскитидан «Юнуратит-бентонит» Б маркали авиокрасинни тозалаш учун адсорбент олинган [43].

Активланган бентонитлар ва полигорскитлар асосида парафинларни тозалаш учун олинган адсорбентлар композициялари таклиф этилган [44]. Гилмояли адсорбентлар тури ва минералогик таркибидан қатъий назар ўзида маълум миқдордаги нефть маҳсулотларини ўзида тутиб қолади, шу сабабли уни турли усуллар билан ажратиш олиш талаб этилади.

Масалан фойдаланиладиган гилмояли адсорбентларнинг мой сифими қуйидаги қисқарувчи қаторида кўрсатилади [45].

Опонлар > бентонитлар > гидрослюдали гилмоялар > полигорскитлар > каолинлар ва бошқалар. Бугунги кунда адсорбент сифатида опокли гилмоя кўринишида фойдаланишда минерал мойларнинг йўқотилиши энг кўп бўлиши кузатилган.

Агар нефтни қайта ишлаш корхоналарида минерал мойларни тозалаш учун ҳозирда асосан Кармана (Навоий ҳудуди) [46] термик активланган опокларда бажарилаётганлигини ҳисобга олсак, ушбу ишнинг долзарблиги ва амалий аҳамияти маълум бўлади.

Турли композицияли адсорбентларга ўтиши билан аҳамиятли маҳсулотлар - мойларнинг чиқиндилар билан биргаликда йўқотилишини камайтиришга имконият яратилган бўлади.

Нефть бир амас, балки бир қанча кимёвий бирикмалар аралашмасидан иборат суюқлик. Нефть қиздирилганда унинг ҳолатини тавсифловчи, нисбатан қ и з и қ хусусиятлари (хоссалари) намоён бўлади. Агар нефть қайнаш ҳароратига қадар қиздирилса ва уни шу ҳолатда сақлаб турилса, у буткул парланиб (буғланиб) кетмайди.

Солиштириш учун, масалан, сувни кўриб чиқайлик. Сув солинган идишни 100°C (212°F ёки 373 K) гача қиздириб, хароратни сақлаб тураек. сув қайнай бошлайди ва аста-секин буғланади. Ва ниҳоят иситишни давом эттиреак, у бутунлай буғланиб кетади.

Агар сув солинган идишда термометр бўлга, сиз охирги сув томчиларининг буғланишидан олдин ҳам харорат 100°C атрофида сақланиб қолганини кўрасиз. Сўнга сабаб, H₂O таркибли кимёвий бирикма сув айнан 100°C да қайнайди. Текисликдаги атмосфера босими остида сувнинг қайнаш харорати 100°C, ундан кам ҳам, кўп ҳам эмас.

1.3. Ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни регенерациялаш усуллари.

Диссертациянинг аввалги бобларида (парагирфларида) кўрсатилганидек - ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни қолдиғини ажратиб олиш иқтисодий самараси паст деб ҳисобланган, шу сабабли уни йўлга қўйишга унча эътибор берилмаган. Бундай муносаббатлар натижасида нефтни қайта ишлаш корхоналари ҳудудлари адсорбентлар ташламалари жуда кўп миқдорда йиғилиб қолган. Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта ишлаш корхоналарига Ўзбекистон Республикаси Давлати табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси томонидан жарима санкцияларини ортиб бориши ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни ажратиб олиш технологиясини такомиллаштиришни талаб қилади. Эритувчи сифатида углеводородлардан (бензин, гексон ва бошқалар) иқтисодий фойдага эга эмас ва ёнғин хавфи кучли [47]. Шу сабабли адсорбентларни регенерациялашнинг ушбу усули амалиётда фойдаланилмайди.

Ишлатилган адсорбентлардан минерал мойларни ажратиб олишда энг арзон ва маълум бўлган усул, уларни сувли эритмада (суспензия кўринишида) қайнатиш ҳисобланади [48].

Бунда албатта фойдаланилаётган сувнинг роли катта. Кўпгина сувлар гилмояли суспензияларни қовушқоқлигини камайтириш хусусиятига эга, бу эса уларнинг юза таранглигини пасайишига сабаб бўлади [49]. Кўпинча бу ионоген бўлмаган эмульсия учун қўлланиладиган “сув мой” ва бошқалар.

1.4. Тадқиқот ишларининг мақсад ва вазифалари.

Минерал мойларни ишлатилган адсорбентлардан ажратиб олишни иқтисодий самараси билан бир қаторда, уларни рационал регенерациялашда экологияни муҳофаза қилиш масалалар ҳам ҳал этилмоқда [50,51]. Маълум бўлган технология ва жихозлар фақатгина технологик камчиликлар бўлиб қолмай, олинаётган маҳсулотларнинг сифат кўрсаткичлари қониқарсиз.

Юқорида кўрсатилган камчиликларни йўқотиш ҳамда нефтни қайта ишлаш корхоналарини техник – иқтисодий кўрсаткичларини кўтариш мақсадида биз томонимиздан қуйидаги вазифа ва мақсадлар келтирилган.

Тадқиқот ишларини мақсади ишлатилган адсорбентлардан марказдан қочма куч асосида ишлайдиган қурилмани биргаликда фойдаланиш йўли билан минерал мойларни ажратиш технологиясини такомиллаштирилди.

Кўрсатилган мақсадга эришиш учун тадқиқот ишларини олиб бориш учун қуйидаги вазифалари шакллантирилган.

- Фарғона нефтни қайта ишлаш корхоналарида ишлатилган гилмояли адсорбентлар таркиби ва хоссаларини ўрганиш.
- Ишлатилган гилмояли адсорбентлардан минерал мойларни ажратиш олиш учун арзон эритувчиларни яратиш ва танлаш.
- Ишлатилган гилмояли адсорбентлардан минерал мойларни ажратиш олиш технологиясини оптималлаш ва такомиллаштириш.
- Ишлатилган гилмояли адсорбентлардан минерал мойларни ажратиш бўйича таклиф этилаётган технологияни ишлаб чиқариш тажрибасида синаш.
- Таклиф этилган технологияни ишлаб чиқаришда татбиқ этишдан кутилаётган иқтисодий самарани баҳолаш.

II бoб ТАЖРИБА ИШЛАРИНИ ОЛИБ БОРИШ УСУЛЛАРИ, ХОМ АШЁ ВА ОЛИНАЁТГАН МАХСУЛОТЛАР ТАХЛИЛИ.

2.1. Ишлатилган адсорбентлар тахлили ва ундан ажратиб олинadиган минерал мойларни ажратиб олиш жараёни тахлили.

2.1.1. Гилмояли адсорбентнинг фракцияси таркиби ва тахлили.

Адсорбентни фракцион таркибини аниқлаш учун қуйидагилар қўлланилади [52].

Жихозлар ва материаллар: синалаётган адсорбент, стандарт элаклар тўплами, техник тарози, калька.

Оғирлиги 50 г бўлган намунали қуритиш шкафида $110^{\circ}\text{C} \pm 5^{\circ}\text{C}$ хароратда 1 соат давомида қуритилади. Қуритилган намунани эксикаторда совитилгач юқориги элакка юборилади ва тўкилади, элаклар тўплами қопқоғи ёпилади ва силкитиш йўли билан эланади.

Элаш тугагач, элакдаги қолдиқ калькага олинади ва 0,01г аниқликда тарозида тортилади.

Элаш тахлили % да (фоизда) қуйидаги формула бўйича аниқланади.

$$X = \frac{q_1}{q} \times 100 \quad (2.1)$$

бу ерда: X- адсорбент (тонкость-юпқалиги) зичлиги, барча элаклардан олинган адсорбент тўплами ўртача зичлиги, г

q_1 –назороат элагидаги қолдиқ, г.

q - тортилган адсорбента, г.

Ячейка 2мм, 2элак-1мм, 3элак-0,5мм, 4элак-0,315мм ва 5элакда-0,250 мм. Адсорбент майинлигига қўйилган талаблар, тешиглар назорат элагидаги тешик қолдиқ билан характерланади.

Юқорида қайд этиб утганимаздек, нефт бир эмас балки бир неча минг турдаги кимёвий бирикмалар аралашмасидир. Улардан базилари жуда оддий, масалан, CH_4 (метан), баъзилари эса мураккаб масалан $\text{C}_{85}\text{H}_{60}\text{CH}_4$ ва $\text{C}_{85}\text{H}_{60}$ формулалари (брутто-формулар) кимёгарларга тушунарли бўлган аниқ кимёвий бирикмаларга тегишли шифрлардир. Бу масала устида кейинроқ бафуржа тўхталиб ўтамиз. Нефт таркибига кирувчи кўпгина кимёвий бирикмалар углеводородлар деб аталиб, углерод ва водороднинг аниқ комбинацияларидан ташкил бўлган атомлардан иборат.

Нефт таркибида углерод — 83—87%, водород -11- 15% ни ташкил этади. Қўшимча бирикмалар ҳолида кислород, азот ва олтигугурт бўлиши мумкин. Нефт хом ашёси ва дастлабки ҳайдаш маҳсулотида парафин, нафтен ва ароматик углеводородлар ёки уларнинг аралашмаси учрайди.

Нефт ер қобиғининг 500—5000 метр чуқурлигида жойлашган бўлиб, асосий қисми 800—2500 метрдан насэслар ёрдамида қазиб олинади. Нефт қудуғи қазилганда дастлаб ундан нефт нефтда эриган ёки биргаликда мавжуд бўлган газларнинг босими таъсирида ер юзасига фонтан холида отилиб чиқади. Кейинчалик босим пасаяди ва нефт компрессор орқали тортиб олинади. Қазиб олинаётган 1 тонна нефт ўзи билан 50-100м³ газ, 200-300 кг сув, 10-15 кг минерал туз ва чиқиндиларни бирга олиб чиқади. Қудуқлардан чиққан (20—30 та ёки баъзан 80 тагача қудуқдан) нефт бир жойга йиғилиб ҳосил қилинган аралашма таркибидаги нефт миқдори аниқланади. Нефт билан чиққан газ махсус қурилмаларда ажаратиб олинади. Бу ҳолда нефтдаги сув (0,2-0,8%) гача, туз эса 1 тонна нефтда 0,8-1кг гача камаяди.



Сув ва туз миқдори камайтирилган нефт қайта ишлаш заводларига юборилади. Турли конлардан олинатган нефт таркиби буйича бир-биридан фарқ қилади. Юқорида айтилганидек, нефтда турли молекуляр оғирликдаги углеводородлар мавжуд. Шу-иси қизиқки, уларнинг ҳар бири ўз қайнаш ҳароратлари билан тавсифланади. Нефтнинг физик хоссиётидан нефтни қайта ишлаш саноатида унумли ва исбатан кенг миқёсда фойдаланилади.


Тушунарли бўлиши учун 1.1-расмда кўрсатилган идишни олиб, уни уртача зичликдаги нефт билан тўлдирамиз. Сўнгра нефт солинган идишда газ алангасида қиздира бошлаймиз. Ҳарорат 65°C (338°K) га етганида нефт қайнаб бошлайди. Қиздиришни давом эттириб, ҳароратни бир хил кўрсаткичда сақлаб турамиз. Маълум вақтдан сўнг нефт маҳсулоти қайнашдан тўхтаганини кўрамиз.

Кейинги босқичда газ алангасини кучайтириб, нефтни тахминан 230°C (504°K)гача қиздирамиз. Бунда нефт яна қайнаб бошлайди, лекин маълум муддатдан сўнг у яна қайнашдан тўхтайдн.


Бундай босқичлари қайта ва қайта такрорлаш мумкин. Бунда идишдаги нефт миқдори ҳар гал борган сари камайиб боради. Сиз, балки нима содир бўлаётганига тушунган бўлсангиз керак. Биринчи босқичда қайнаш ҳарорати 65°C (338°K) дан киник **бўлган** бирикмалар, иккинчи босқичда эса 65 230°C (504°K) да **қайнайдиган бирикмалар** бўғланади ва ҳоказо. **Шундай қилиб нефтни ҳайдаш** эгри чизиғи – графигини тузамиз.графикнинг би

ўқига ҳарорат, иккинчи ўққа эса қайнашдан қолган нефтнинг умумий ҳажмий фоизи кўйилади (1.3 расм). Ҳар бир нефт тури ўзига хос ноёб ҳайдаш эгрисига эга. Бу эгрилар маазкур нефт таркибида қандай брикмаларнинг борлигини аниқлашга ёрдам беради. қонунга кўра, брикма таркибида углерод атомлари **қини** кўп бўлса, **унинг қайнаш ҳарорати шунчалик юқори** бўлади. **Бўни** куйидаги **мисолда** кўриш мумкин.

Брикма номи	Брутто-формуласи	Қайнаш ҳарорати, °C	Зичлиги; ρ, кг/м³ (г/см³)
Пропан	C_3H_8	- 42,0	4,2 (0,50)
Бутан	C_4H_{10}	- 0,5	4,9 (0,59)
Декан	$C_{10}H_{22}$	174,0	6,1 (0,73)



1.2-расм. Нефт ҳом ашёсининг қайнаш ҳароратлари



1.3-расм. Нефт ҳом ашёсининг ҳайдаш эгри чизилди.

2.1.2. Адсорбентларнинг турли механик аралашмалардан тозалаш қобилияти.

Адсорбентни механик аралашмалар ва микронамликдан тозалаш қобилияти қуйидаги усулда аниқланади [53]. Адсорбент 170 г миқдори динамик шароитда 450 мл /соат тезликда ажратиш варонкасига солинади, нефт нефт маҳсулотлари оқим тартиби тепадан пастга механик бирикмалар ва намликни аниқлаш UZDST 6370 да баён қилинган усулда олиб борилади.

Нефт маҳсулоти тавсифи ҳақида суз юритиш учун аниқ бирикмаларии *фракциялар* деб номланувчи гуруҳларга киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Фракция (ёки погон) аниқ икки ҳарорат орлағида қайнайдиган барча бирикмаларни жамлайди. Бу ҳароратлар фракциялариинг қайнаш чегараси ёки қайнаб буғланиш оралиғи деб аталади.

Одатда нефт қуйидаги фракцияларга эга:

Қайнаш ҳарорати	Фракциялар

32°C (305°K) гача	Углеводород газлари (бутан ва нисбатаи енгил газлар)
32-105°G (305-378°K)	Б ензин (газолин)
105-180°C (378-453°K)	Нафта (орир бензин, бензин - лигроин фракцияси, лигроин)
180-230°C (453-503°K)	Керосин
230-430°C (504-703°K)	Газойл
430°C (703°K) дан юқори	Қолдик (мазут)

Кейинги бобларда нефтинг алоҳида фракциялари тавсифига батафсил эътибор берилади.

Шунни қайд этиш керакки, нефт турлари таркиби буйича бири-бирдан кескин фарқ қилади. Енгил бензин таркибида, одатда, бензин, нафта ва керосин, оғир нефт таркибида эса газойл ва мазут кўп бўлади, Сиз, балки, оғирлик ва қайнаш ҳарорати ўзаро боғлиқ, деган хулосага келгандирсиз. Дарҳақиқат шундай ҳам, яъни брикма молекулалари қанча оғир бўлса унинг қайнаш ҳарорати шунчалик юқори бўлади.

Нефт фракцияларининг муҳим физик ҳоссаларига маълум босимда қайнаш, қотиш, суюқланиш ҳарорати, зичлиги, ёпишқоқлиш (айиқса, юқори молекулали углеводородлар учун), инфрақизил нурларни ютиши, нур сиидириш кўрсаткичи киради.

Нефтин углеводород қисмларига (фракцияларга) ажратиш оддий ва молекуляр ҳайдаш билан амалга оширилади. Мой (ёки ёғлаш) моддаларини олиш учун хом ашё вакуум остида ҳайдалади. Бензин

таркибидаги эриган газларни чиқариб юбориш ва бензиннинг бир неча хилларини олиш учун *ректификация* усулидан фойдаланилади. Қайнаш ҳароратлари бир-бирига *яқин* бўлган ва бир-бири билан азеотроп аралашма (масалан, бензол-циклогексал, метилциклопентан") ҳоел қилувчи углеводородларни ажратиш экстракция, абсорбция ва азеотроп ректификация усуллари билан амалга оширилади.

Аралашмани ҳайдаш вақтида компонентларнинг учувчанлиги (буғ босими) орасидаги фарқ қанча катта бўлса, уларни ажратиш шунча осон. Бу ажратиш коэффициентини A билан характерланади, яъни:

$$A = \frac{N_B(1 - N'_B)}{N'_B(1 - N_B)}$$

Оддий ҳолларда A система таркибига боғлиқ бўлмайди:

$$A = \frac{P_B^0}{P_A^0}$$

P

A

Нефтдан олинadиган тиниқ маҳсулотлар (бензин, керосин, дизел скилгиси) атмосфера босимида ишловчи АТ қурилмаларида ҳайдаш усули билан олинади. Вакуум остида (АВТ қурилмасида) юқори молекулали моддалар, ҳайдалади, ҳозирги кунда АТ1 қурилмаларм тузлардан тозалаш, сувсизлантириш барқарорлаштириш (стабилизация) қурилмалари билан туташтирилган ҳолда бирга ишлатилмоқда.

АТ ва АВТ қурилмаларида ҳайдаш натижасида қуйидаги маҳсулотлар олинади:

Сиқилган углеводород газ. У асосан пропан ва бутандан иборат. Бу газнинг қанчалик кўп ёки кам бўлиши нефтни стабилизация қилиш даражасига боғлиқ. Газлар олтингугуртдап тозалайганидан сўнг хужалик ёқилғиси сифатида ишлатилади.

Бензин фракцияси (70-180°C). Турли хил автомобил ёқилғиси олиш учун компонент сифатида қўлланади. Иккиламчи қайта ишлаш натижасида ҳосил бўлувчи оралиқ қисмлари асосида ароматик углеводородлар (бензол, толуол, ксилол) олинади.

Керосин фракцияси (120-315°C). Бу фракциядан реактив авиация, трактор ва бошқа двигателлар учун ёқилғи олинади.

Дизел фракцияси (180-350°C). Уин газойл деб аталади. Ундан дизел двигателлари, тепловоз, сув камалари учун ёқилғи олинади.

5. Мазут фракцияси (350°C дан юқорида). Учи термик крекинглаб, қўшимча миқдорда ёқилғи ва мойлар олиш мумкин.

6. Гудрон фракцияси (500°C дан юқорида) Бу фракция жуда ёпишқоқ бўлиб, 30, 40°C, да қотади. Кокс битум ва бошқа ёпишқоқ материаллар учун ишлатилади.

Натижаларга ишлов бериш.

Адсорбентнинг тозалашдан сўнг тозалаш хусусияти яъни механик аралашмалар қуйидаги формула билан ҳисобланади.

$$M_{\text{мех.прим}} = \frac{m_2 - m_1}{m_3} * 100\% \quad (2.2)$$

бу ерда : m_1 —филтрлаш қоғозининг оғирлиги;

m_2 —филтр қоғозининг нефть маҳсулоти филтрлангандан сўнг оғирлиги;

m_3 -нефть маҳсулотларининг оғирлиги (50 мл)

Нефть махсулотларининг таркибида механик бирикмаларни миқдори UZDST 10577-78 асосида аниқланади.

2.1.3. Ишлатилган адсорбентни хажмий оғирлигини аниқлаш.

Хажмий оғирлик деб адсорбентнинг табиий оғирлигига айтилади, жумладан ғоваклар ҳам ҳисобга олинади. Хажмий оғирликни зичлик ўлчанадиган ўлчов бирлигида г/см^3 да ифодаланади.

Донадорланган материаллар учун икки хил хажмий оғирлик мавжуд: эркин тарқоқ ва зичланган ҳолатда.

Жихоз ва материаллар: текширилган адсорбент, варонка, эркин тарқоқ ҳолатдаги хажмий оғирликни аниқлаш асбоби, металл идишлар, хажми 1 ва 2 техник тарози, қошиқ.

Адсорбент эркин тарқоқ ҳолатдаги хажмий оғирлигини аниқлашда 105^0 - 110^0C ҳароратда 6 кг атрофидаги адсорбент 2 соат давомида қурилади, у ҳавода совитилгандан сўнг, асбобни конуссимон варонкасига солинади. Бунда элакда адсорбент таркибида бўлиши мумкун бўлган барча механик аралашмалар қолади. Идиш очилади ва бир литр хажмдан ортиғи билан тўлғазилади. Идиш ёпилади. Адсорбент ортиқчаси линейка ёрдамида сидириб олинади, бунда адсорбент сатҳи идиш қирғоғи билан тенглаштирилган бўлиши керак. Бу вақтда идишнинг силкинишига йўл қўймаслик керак, чунки бу материални ўтиришига ва зичланишига олиб келади. Адсорбент билан тўлғазилган идиш тарозида тортилади ва формула бўйича хажмий масса ҳисобланади [54].

$$V = (P_1 - P) / V \quad (2.3)$$

Бу ерда. V -адсорбентнинг хажмий массаси. г/см^3

P - бўш хажми 1 литр бўлган идишнинг хажми 1 л;

P_1 –адсорбент билан тўлғазилган 1 л идишнинг оғирлиги г;

V - идиш хажми см^3

Дастлабки даврларда нефт бозорга вагондарда ёки томир йўл платформаларнда 50 галлонли (АҚШ да 1 галлон 3,785 л га тенг) вино бочкаларида келтирилар эди. Нефтни транспортда татишида тўкилиш эҳтимоли ҳисобга олиб, унга белгиланган манзилда фақат 42 галлон учун ҳақ тўларди. Нефт учун ҳозир ҳам шу ҳисобдан келиб чиқиб ҳақ тўлаилади. Нефт қазиб олувчилар тез орада айнан шунча миқдорда махусулот жуиатиш кераклигига тушуниб етдилар.

АҚШ ва бошқа давлатларда, нефт дастлаб темир йўл орқали бошқа ёки цистерналарда ташилган бўлса, кейинги даврларда эса қувурлар ёрдамида ташилаётган нефт хажмиини ўлчаш анча қулай бўлиб қолди. Европада нефт деиғиз орқали ташилган. Бу ҳолатда сув сигимиини ҳисобга олиб оғирликни аниқлаш нисбатан қулайдир. Ҳрзирги вақтда нефт миқдорини ўлчаш учун икки хил стандарт юзага қелган. Нефт бўйича олдиотди жараёнлари АҚШ да баррелда (1 баррел нефт 159 л га тенг), Европада эса тоннада амалга оширилади.

Ҳайдаш ҳароратлари оралиғи	Миқдори (ҳажмий % да)	
	Кам олтин- гугуртли нефт	Оғир нефт
45 ⁰ С дан паст	5,1	-
45-105 ⁰ С	9,2	-
105-125 ⁰ С	4,0	-
125-155 ⁰ С	5,7	4,2
155-200 ⁰ С	9,3	5,1
200-260 ⁰ С	5,8	8,5
260-290 ⁰ С	4,7	7,9
230-345 ⁰ С	10,8	8,0
345-400 ⁰ С	8,6	14,8
400-480 ⁰ С	13,5	15,1
480 ⁰ С дан юқорида	12,0	18,1

2.1.4. Нефть махсулотлари таркибидаги сув миқдорини аниқлаш.

Ушбу усул нефть махсулотлари таркибидаги сув миқдорини аниқлашнинг кенг тарқалган ва энг аниқ усулидир. У нефть махсулотлари билан эритмалар намунасини азеотроп хайдашга асосланган ва кўпгина давлатларда фойдаланилади.


Бизнинг давлатимизда сув миқдорини аниқлаш ушбу усулда [55] бўйича олиб борилади.

Ушбу усул бўйича эритувчи сифатида 80-120⁰С хароратда қайнаб чиқадиган ва таркибида 3%дан ортиқ бўлмаган ароматик углеводородлар бўлган резина саноати учун БР-1 маркали бензин эритувчидан фойдаланилади.

Намунани шиша идишда 5 минут давомида силкитиш йўли билан яхшилаб аралаштирилади.

Юқори қовушқоқ махсулотлар аввал 40-50⁰С хароратгача иситилади. Аралаштирилган намунадан 100 г тортиб олинади. Аввалдан тортиб олинган тоза ва қуруқ шиша колбага (1) солинади (расм 2.1) , сўнг колбага (1) 100мл эритувчи қуйилади ва аралашма аралаштирилади. Қайнаш бир текисда бўлиши учун колбага бир неча шиша капилчярлар ёки бир неча бўлак пемза ёки чинни солинади. Колбани шлиф ёрдамида қабул қилувчи (2) чиқариш трубкасига уланади, унинг юқори қисмига эса шлиф ёрдамида совиткич (3) уланади, қабул қилувчи туткич ва совитгич тоза ва қуруқ бўлиши зарур.

Хаводан сув буғларини конденсатланишини олдини олиш учун совиткич учи пахта ёрдамида беркитилади.



Расм 2.1. Дин ва Старк усули бўйича нефт махсулотларидан сув миқдорини аниқлаш қурилмаси.

Колбадаги аралашма колба иситкич ёки электр плитка ёрдамида иситилади. Хайдаш жараёнининг шундай олиб бориш керакки, совиткич трубасидан қабул қилиш трубасига 1 секундда 2-4 томчи тушиши керак. Иситиш қабул қилувчи –тутгичда сув хажми кўпайиши тўхтаганда ва эритувчининг юқори қавати тўлиқ шаффоф бўлганда тўхтатилади. Хайдаш доимийлиги 30 минутдан кам ва 60 минутдан ортиқ бўлмаслиги керак. Агар трубка деворида сув томчилари ҳосил бўлса шиша таёқча ёрдамида қабул қилувчи- тутгичга итариб туширилади. Синалаётган махсулот хона хароратигача совитилгач қурилма бўлақларга ажратилиб тозаланади.

